

«DD BIOMED» МЧЖ бундан буён матида «Сотувчи» деб аталувчи, Устав асосида иш юритувчи директор Сохибова Н.У бир томондан ва Навоий вилояти фтизиатрия ва пульмонология маркази бундан буён матида «Харидор» деб аталувчи номидан низом асосида фаолиятини амалга оширувчи Х.Х.Мухамедов асосан фаолият кўрсатувчи, иккинчи томондан қуйидагилар тугрисида ушбу шартномани тuzдилар:

### I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

- 1.1 «Сотувчи» «Харидор»нинг талабномаси асосида Ўзбекистон Республикасида Фармакологик рўйхатдан ўтган, тиббиётда ишлатишга рухсат этилган махсулотларни сотади, «Харидор» эса олган товарнинг хақини «Сотувчи»нинг банкидаги тегишли ҳисоб-рақамига келишилган муддатда ўтказиб беришни ўз зиммасига олади.
- 1.2. Шартноманинг умумий баҳоси: **22 339 000,00 (Йигирма икки миллион уч юз уттиз туккиз минг сум 00 тийин.)**
- 1.3. Сотилган товарларнинг умумий баҳоси, тури, сони, нархи шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланган Спецификациялар ва ҳисоб-фактураларда кайд этилади.

### II. МАХСУЛОТНИ СИФАТИ

2.1. «Сотувчи» «Харидор»га Ўзбекистон Республикасида Фармакологик рўйхатдан ўтган, тиббиётда ишлатишга рухсат этилган, сифат, маркировка ва ўрамлари фармацевтик ва техник талабларга жавоб берадиган ҳамда сифат сертификатига эга бўлган, ишлатиш муддати 80% дан кам бўлмаган фармацевтика махсулотлари – тайёр дори воситалари ва тиббий буюмлар, субстанциялар, шуниндек биологик фаол қўшимчалар (БФҚ), гигиена воситалари ҳамда парафармацевтика махсулотларини (кейинги матида – “Товар” деб юритилади) сотади.

### III. ЖўНАТИШ ШАРТЛАРИ

- 3.1. Сотиб олинган товарларни жўнатиш шarti: «Харидор» оморхонадан товарларни ўзи олиб кетади, еки икки томонлама келишилган ҳолатда.
- 3.2. Олдиндан тўлов амалга оширилгандан сўнг товарлар «Сотувчи» томонидан 10 кун мобайнида берилади.
- 3.3. Товарни қабул қилиб олиш ёки товарни етказиб бериш «Сотувчи» томонидан товарлар тайёр эканлиги хақидаги хабардан кейин «Харидор» томонидан 10 кун мобайнида амалга оширилади.
- 3.4. Товарга бўлган мулк ҳуқуқи Томонлар томонидан ҳисоб-фактуралар имзолангандан кейин «Харидор»га ўтади.
- 3.5. Товарнинг тасодифий яроксиз аҳволга келиши ёки унга шикаст етиши эҳтимоллари учун жавобгарлик «Харидор»га ушбу шартноманинг 3.2 бандига мувофиқ ўтади.
- 3.6. «Харидор» товарни қабул қилиб олиш жараёнида уни тўлик кўздан кечириб, агарда товарларни шартнома талабларига номувофиқ эканлиги аниқланган тақдирда бу ҳақда зудлик билан «Сотувчи»га маълум қилади ҳамда у алмаштирилади. Ушбу ҳолат «Харидор» оморхонасида аниқланган тақдирда, «Харидор» бу ҳақда «Сотувчи»га бир кун мобайнида ёзма тарзда (Рекламация) хабар қилади. Ушбу талаблар «Харидор» томонидан амалга оширилмаган тақдирда Сотувчи товарни алмаштиради ҳуқуқига эга

### IV. ТўЛОВ ШАРТЛАРИ

- 4.1. Шартнома Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Ғазначилигида рўйхатдан ўтказилгандан сўнг 5 кун ичида «Харидор» шартноманинг 1.2. бандида кўрсатилган сумманинг 30% миқдорини пул ўтказиш йўли билан «Сотувчи»нинг ҳисоб рақамига олдиндан тўлайди.
- 4.2. «Харидор» Спецификацияда кўрсатилган сумманинг қолган 70% миқдорини 5 банк иш куни ичида товарни ҳар бир жўнатилган қисмини тасдиқловчи счет-фактурага Томонлар имзо қўйиб тасдиқлагандан кейин, олдиндан қилинган 30% тўловни чегириб олган ҳолда ўтказилади.
- 4.3. Агарда тўлов, шартноманинг 4.1 бандига асосан пул маблағлари туланмаган тақдирда, «Сотувчи» бир тарафлама махсулот нархларини узгартириш ёки ушбу шартномани бекор қилиш ҳуқуқига эга бўлади.

### V. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

- 5.1. Шартномани 2.1 бандига асосан «Сотувчи» томонидан сотилган махсулот сифатсизлиги тегишли ҳужжатлар билан 3 кун ичида тасдиқланса, у ҳолда «Сотувчи» сифатсиз махсулотни сифатли махсулот билан алмаштириб беради ва бу билан боғлиқ барча харажатларни ўз зиммасига олади.
- 5.2. «Харидор» томонидан асоссиз равишда «Сотувчи» тақдим қилган товарларни тўлик ёки қисман қабул қилмаслик ҳамда тўловни вақтида амалга оширмаслик «Харидор» томонидан «Сотувчи»га шартноманинг умумий қийматидан 10% миқдорида жарима тўлашига сабаб бўлади.
- 5.3. Агарда «Харидор» ушбу шартномада кўрсатилган тўлов муддатларини асоссиз кечиктирган тақдирда, ҳар бир тўлов амалга оширилмаган кун учун шартнома суммасининг 0.4% миқдорида жарима тўлайди, лекин ушбу жарима миқдори тўлаб берилмаган умумий сумманинг 50%дан юқори бўлмаслиги лозим.
- 5.4. Агарда «Сотувчи» ушбу шартномада кўрсатилган товарларнинг етказиб бериш муддатини кечиктирган тақдирда, ҳар бир тўлов амалга оширилмаган кун учун шартнома суммасининг 0.5% миқдорида, лекин етказиб берилмаган товарнинг умумий суммасининг 50%дан юқори бўлмаган миқдорда жарима тўлайди.
- 5.5. Шартнома мажбуриятларини тўлик ёки қисман бажармаганликлари учун томонлар Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тугрисида»ги қонуни талаблари доирасида мулкый жавобгардирлар. Зарарлар қоплашиши тўғрисида тўғри етказилган зарар ва олинмаган фойданинг қоплашиши тартибда ундирилади.

### VI. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАРИ

- 6.1. Тарафларнинг биронтаси ҳам бошқа тарафнинг олдида ушбу шартнома бўйича олган мажбуриятларни тарафларнинг эрки ва истагидан ташқари пайдо бўлган ва уларни олдиндан кура билиш ёки бартараф этиш мумкин бўлмаган ҳолатлар (Форс-мажор): табиий офатлар, уруш эълон қилиниши ёки бошланиши, камал ҳолати, экспорт ёки импорт операцияларини ҳукумат томонидан таъқиқлашиши билан боғлиқ ҳолда бажармаганликлар учун жавобгар бўлмайди.
- 6.2. Форс-мажор ҳолатига қўра шартнома шартларини бажариш имконияти бўлмаган тараф, иккинчи тарафни форс-мажор ҳолати келиб чиққанлиги тўғрисида 20 кун ичида ёзма равишда хабардор қилади.
- 6.3. Форс-мажор ҳолат бошланганлиги ва тугаганлиги тўғрисида факт ваколатли орган томонидан берилган ҳужжат билан тасдиқланади.
- 6.4. Агар форс-мажор ҳолати 90 кундан ортиқ давом этса, томонларнинг ҳар бири иккинчи томонга шартномага ўзгартириш киритиш ёки шартномани бекор қилишни таклиф этиши мумкин. Юқорида кўрсатиб ўтилган ҳолатда томонларнинг ҳеч бири иккинчи томондан киритилган ўзгартиришлар ёки шартноманинг бекор қилинишидан келиб чиққан зарарларни қоплаши талаб қилиши мумкин эмас.

## VII. НИЗОНИ ХАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

7.1. Ушбу шартнома мажбуриятларидан келиб чиқадиган барча низолар, томонлар ўртасида тинч, ўзаро келишилган ҳолда ҳам тарафларнинг ўзаро жавоб бериш муддати 5 кун бўлган претензия хатларини алмашинуви орқали хал этилади.  
Низоларни тинчлик йули билан хал этишнинг иложи бўлмаганда, низо Навоий вилоят Иктисодий судида курилади.

## VIII. ШАРТНОМА МУДДАТИ

8.1. Шартнома томонлар тарафидан имзоланган кундан ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилиги томонидан рўйхатдан ўткандан сўнг кучга кириди ва 31.12.2022 йилга қадар амал қилади.

## IX. УМУМИЙ ХОЛАТЛАР

9.1. Шартномага киритилиши лозим бўлган барча узгартириш ва қўшимчалар фақат ёзма тартибда амалга оширилади ва томонлар имзолаб, муҳрлагандан сўнг асосий шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланади.

9.2. Ушбу шартномага оид, лекин шартномага киритилмасдан қолган барча ҳолатлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунилари асосида хал этилади.

9.3 Ушбу шартнома томонлар учун икки нусхада имзоланган ва муҳрланган бўлиб бир хил юридик кучга эга.

## X. ТАРАФЛАРНИНГ ПОЧТА МАНЗИЛГОҲИ, ТЎЛОВ РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ИМЗОЛАРИ:

«СОТУВЧИ»

«ХАРИДОР»

### " DD BIOMED " МЧЖ

Адрес: Навои в. Кизилтепа т Балангардион МФЙ 7

Р/С 20208000300912996001

Банк: ТИФ Миллий банкнинг Кизилтепа филиали

МФО: 00945

ИНН: 305 650 969

Тел./Факс:

Директор: Сохибова

МП



### Навоий вилояти фтизиатрия ва пульмонология маркази

Адрес: Навоий шах. Навоий куч. 2А уй

Банк: Марказий банк ХККМ

МФО: 00014

ИНН: 200006254

Ғазначилик бўлинмаси номи: Ўзб. Рес. Молия вазирлиги

ғазначилиги


Ғазга х/р: 2340 2000 3001 0000 1010

банк номи: Марказий банк Тошкент шах ХККМ

МФО: 00014

Ғазначилик бўлинмаси ИНН: 201122919

Директор: Х.Х.Мухамедов



**СПЕЦИФИКАЦИЯ №\_02/01**

от 06.01.2022г

Поставщик: **DD Biomed**

Покупатель: **Навойй вилояти фтизиатрия ва пульмонология маркази**

по оснaвaннo Дoгoвoр № 02/01 от 06.01.2022

№	Товар номи	Ўл.бир	Сони	Нархи	ККС суммаси	Умумий сумма
1	Вата мед. н/стерил 100гр	шт	135	4800,00	без НДС	648 000,00
2	Шприц инъ. стер однокр пр 1,0 мл с игл\	шт	200	680,00	без НДС	136 000,00
3	Шприц инъ. стер однокр пр 5 мл с игл\	шт	1000	520,00	без НДС	520 000,00
4	Шприц инъ. стер однокр пр 10 мл с игл\	шт	4000	650,00	без НДС	2 600 000,00
5	Система д\вл инф р-р одн	шт	2550	3480,00	без НДС	8 874 000,00
6	Бинг н/с 7x14	шт	50	3680,00	без НДС	184 000,00
7	Марля н/с 10м	уп	10	29800,00	без НДС	298 000,00
8	Перчатки стер. раз. 7,5	пара	50	3980,00	без НДС	199 000,00
9	Перчатки н/стер. раз. М	шт	6000	1480,00	без НДС	8 880 000,00
<b>ЖАМИ</b>						<b>22 339 000,00</b>


Итого сумма: **22 339 000,00** (Ийгирма икки миллион уч юз уттиз тўққиз минг сўм 00 тиийн.)

Поставщик



Покупатель



директори в/б  Ф.Киличев  
М.У.  
Навоий индустри

Навоий вилоят фтизиатрия ва пульмонология маркази фаолияти учун олинадиган тиббий жиҳоз, восита ва буюмлар нархини аниқлаш бўйича танлов комиссиясининг 01-сонли йиғилиш баённомаси

2022 йил 06 январь

Навоий вилоят фтизиатрия ва пульмонология марказининг 05.01.2022 йилдаги 3-сонли буйруғи билан ташкил этилган танлов комиссиясининг аъзолари катнашди:

Раиси:	Бош врач ўринбосари:	Ф.Киличев
Комиссия аъзолари:	Лаборатория булими бошлиғи	К.Отамуродов
	Бош ҳисобчи:	Ж.Муродов
	Аптека провизори:	К.Бобоназаров
	Омбор мудири	А.Абдиназаров

### КУН ТАРТИБИДА:

Кун тартибида битта масала кўйилган бўлиб, марказда даволанаётган беморлар даволаниши учун зарур булган тиббий жиҳоз, восита ва буюмлар билан таъминлаш учун етказиб берувчини ва етказиб бериладиган махсулотларни етказиб бериш нархини аниқлаш кўйилган.

Марказ фаолияти учун зарур бўлган тиббий жиҳоз, восита ва буюмларни сотиб олиш мақсадида 2021 йил 22 апрелдаги ЎРҚ-684-сонли “Давлат харидлари” тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги лойиҳа бошқаруви миллий агентлигининг 2018 йил 15 майдаги “харид қилиш тартиб-таомилларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги” низомини тасдиқлаш ҳақидаги буйруғи, ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 сентябрдаги ПП-3953-сонли “Давлат харидлари тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси қонунини бажарилиши чора-тадбирлари тўғрисидаги фармойиши талабларидан келиб чиқиб марказ томонидан тиббий жиҳоз, восита ва буюмлар сотиб олиш бўйича етказиб берувчилардан келиб тушган таклифлар комиссия томонидан ўрганилди ва такқослаб чиқилди.

(Соғлиқни сақлаш ва Молия вазирлигининг 15.11.2019 йилдаги келишув хати асосида)

№	Номланиши	Ул. бирл.	DD BIOMED МЧЖ	GRADUS FARM MEDIKAL МЧЖ	SS PHARM МЧЖ
1	Вата мед н/с 100гр	Шт	4800	4848	4872
2	Шприц инь стер однократ 1,0 мл с иглой	Шт	680	687	690,20
3	Шприц инь стер однократ 5,0 мл с иглой	Шт	520	525	527,8
4	Шприц инь стер однократ 10 мл с иглой	Шт	650	657	659,75
5	Система д/вл инф р-р о/р	Шт	3480	3515	3532,20
6	Бинт н/стр 7*14	Шт	3680	3717	3735,20
7	Марля н/с 10м	Уп	29800	30098	30247
8	Перчатки стерил раз 7,5	Пара	3980	4020	4039,7
9	Перчатки нестерил раз М	Шт	1480	1495	1502,20

Сўзга чиққан комиссия аъзоси К.Отамуродов тижорат таклифларини тақдим этган уч таъминотчидан DD BIOMED МЧЖ да тиббий жиҳоз, восита ва буюмлар нархини арзонлиги, тегишли лицензия ва рухсатномалар мавжудлигини ҳамда Навоий шаҳар ҳудудига ўз вақтида етказиб берилишига кафолат берганлигини инобатга олиш зарурлигини маълум қилди.

### Юқоридагилардан келиб чиқиб;

1.Навоий вилоят фтизиатрия ва пульмонология маркази беморлари учун зарур булган тиббий жиҳоз, восита ва буюмлар куйидаги таъминотчи нархида сотиб олинсин.

№	Таъминотчи	Ул. Бирл.	Нархларни солиштирма (рақобат) варақаси тартиб рақами ва бир ашё нархи (сумда)
1	Gradus farm medical МЧЖ	Сум	1-4800, 2-680, 3-520, 4-650, 5-3480, 6-3680, 7-29800, 8-3980, 9-1480

2. Танлов якунлари бўйича DD BIOMED МЧЖ билан тиббий жиҳоз, восита ва буюмлар сотиб олиш бўйича шартнома тузиш учун музокарага киришилсин.

3.Танлов комиссиясининг баённомаси ўқиб берилди ва тўғри тузилди деб тан олинди.

### ИМЗОЛАР:

Раиси:

Комиссия аъзолари:

Ф.Киличев.

К.Отамуродов.

Ж.Муродов.

К.Бобоназаров.

А.Абдиназаров



Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida  
**GUVOHNOMA**

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

"DD BIOMED" Mas'uliyati cheklangan jamiyat

(Yuridik shaxsning – tadbirkorlik subyektining tashkiliy-huquqiy shakli ko'rsatilgan holdagi to'liq nomi)

"DD BIOMED" MChJ

(Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

13.07.2018

622365

ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi.

(Sana, oy (so'z bilan), yil):

Soliq to'lovchining identifikatsiya raqami (STIR):

305650969

Tashkiliy-huquqiy  
shakli:

Mas'uliyati cheklangan jamiyat

Joylashgan joyi:

Navoiy viloyati, Qiziltepa tumani, BALANDGARDION MFY, 7,

Guvohnoma:

Navoiy viloyati, Qiziltepa tumani, DAVLAT XIZMATLARI tomonidan  
MARKAZI berilgan

(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organing to'liq nomi):

